2010 ЙИЛ 27 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 18 (11.579)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 26 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулуғбек Абдусаломов мажлисни очиб, Олий Мажлиснинг Сенатини шакллантириш якунлари тўғрисида ахборот берди ва сайланган сенаторларни табриклади.

Сенаторлар кун тартибини тасдиқлаб, Сенат биринчи мажлисининг муваққат котибиятини, электрон тизимдан фойдаланиш бўйича муваққат назорат гуруҳини сайладилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Авваламбор, бугун сизлар билан мана шу муҳташам залда учрашиб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, сизларни халқимизнинг катта ишончига, яъни Олий Мажлисимизнинг юқори палатасига аъзо бўлиб, сенатор деган юксак номга сазовор бўлганингиз билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг самимий ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман, – деди давлатимиз раҳбари.

Бугун Сенатнинг биринчи мажлисида қатнашаётган депутатлар – булар илгари ҳам сенаторлик вазифасини бажариб, тажриба топган халқ вакиллари бўладими, илк бор ана шундай юксак шарафга муносиб бўлган инсонлар бўладими, бундан қатъи назар, сизларнинг барчангиз қандай катта ҳаяжон ва кайфиятда эканингизни сезиш, кўриш қийин эмас, деб таъкидлади Президентимиз.

Ҳар қайси одамнинг ҳаётида унинг катта-кичик лавозимга кўтарилиши учун қанча ишонч билдирилмасин, инсон ҳар доим барибир ўзига нисбатан эл-юрт томонидан кўрсатилган хурмат-эътиборни янгитдан ҳис қилиши, ўзгача ҳаяжонда, шукроналик ва миннатдорлик кайфиятида бўлиши табиий.

Шу маънода, бугун мана шу залда тўпланган Сенат аъзоларининг аксарияти очиқлик ва ошкоралик, холислик ва ҳаққонийлик руҳида, кескин курашларда ўтган сайловларда ғолиб чиқиб, аввал маҳаллий кенгашларга, кейин эса Олий Мажлиснинг юқори палатасига сайланиб, қандай машаққатли танлов ва синовдан ўтганларини яхши англайдилар.

Айни пайтда бу ҳолат Сизларнинг зиммангизга нақадар улкан масъулият юклашини ва бу масъулиятни бажариш том маънода фаоллик ва фидойиликни талаб этишини ҳам яхши тасаввур қиласизлар, деб ишонаман.

Сенатнинг янги таркиби ҳам профессионал, ҳам сиёсий, ҳам тайёргарлик нуқтаи назаридан олдинги таркибга нисбатан анча юқори даражада шаклланди. Бу фикрнинг тасдиғи сифатида қуйидаги рақамларни келтириш ўринлидир.

Сенат янги таркиби аъзоларининг 94 нафари олий маълумотли бўлиб, уларнинг 18 нафарини иқтисодчилар, 9 нафарини юристлар, 23 нафарини муҳандис-техник ходимлар, 15 нафарини педагоглар, 8 нафарини тиббиёт ходимлари ташкил этади. Сенаторлар орасида 13 нафар фан номзоди, 8 та фан доктори, 2 нафар академик бор.

Олий Мажлисимизнинг юқори палатасига ишлаб чиқариш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, маданият, таълим-тарбия соҳалари, жамоат ташкилотларининг кўзга кўринган намояндалари аъзо этиб сайлангани, ҳеч шубҳасиз, Сенатнинг салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Ўтган беш йил мобайнида мамлакатимизда Сенат фаолиятини йўлга қўйиш, унинг самарадорлигини ошириш бўйича катта тажриба тўпланганини ҳисобга олишимиз зарур.

Давлатимиз раҳбари ана шундай тажрибани орттиришда, Сенат қўлга киритган барча ютуқларга муносиб ҳисса қўшган, бу борада ўзини аямасдан меҳнат қилган Сенатнинг олдинги таркиби аъзоларига чуқур миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистонимизни ҳар томонлама тараққий эттириш билан боғлиқ улуғвор вазифаларни амалга оширишда, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилишда барчангизга чин қалбимдан катта муваффақият ва янги омадлар тилайман, деди Президентимиз.

Ўтган давр мобайнида Сенат аввало олий вакиллик органи сифатида Ватанимиз олдида турган юксак мақсадларга эришиш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигини таъминлаш, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинадиган қонунларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш, қонун ҳужжатларида белгиланган қоида ва талабларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича катта ишларни амалга оширганини таъкидлаш лозим.

Мамлакатимиз раҳбари Сенат фаолиятида йўл қўйилган айрим камчиликлар, эътибордан четда қолган масалалар, унинг олдида турган энг муҳим вазифалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Ўз ишимизга ўзимиз танқидий баҳо бермасдан туриб, янгитдан шаклланган Сенатнинг вазифалари, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ислоҳотларимиз самарасини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган устувор йўналишларни белгилаб олиш мумкин эмас, деб таъкидлади Президентимиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни тақдим этди.

Сенат аъзолари яширин овоз бериш йўли билан Сенат Раиси лавозимига Илгизар Собировни, Раис ўринбосарлари этиб Мавжуда Ражабова ва Муса Ерниязовни сайладилар.

Мажлисга раислик қилувчининг таклифига биноан сенаторлар Сенат қўмиталарини ташкил этдилар ва уларнинг раисларини сайладилар. Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг Регламент ва этика масалалари бўйича комиссияси ҳам тузилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси ниҳоясига етди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2010 йил — Баркамол авлод йили

ХАЙРЛИ АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашида «Шаҳар корхона ва муассасаларида касаба уюшма ташкилоти ишини энг яхши ташкил этиш» кўрик-танлови ғолиблари ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг иқтидорли талабаларидан бир гуруҳини Кенгаш стипендияси ва эсдалик совғалари билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Дастлаб уч босқичдан иборат «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси раиси», «Энг яхши касаба уюшма гуруҳ ташкилотчиси», «Энг яхши цех қўмитаси раиси», «Энг яхши комиссия раиси» номинациялари бўйича танлов ғолиблари фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Кўрик-танлов тармоқ касаба уюшма кенгашлари, марказий кенгашларнинг Тошкент шаҳридаги вакилликлари, касаба уюшма қўмиталари раислари кенгашлари ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан икки йилда бир маротаба ўтказилиб келинмоқда. Кам сонли касаба уюшма ташкилотларининг ҳам танловда фаол иштирок этаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Мазкур танлов касаба уюшмалари ташкилотларидаги илғор иш тажрибаларини аниқлаш ҳамда оммалаштиришга қаратилган, — дейди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси ўринбосари, «Ёшлар кенгаши» раиси Ғайрат Зуннунов. — Бундан ташқари, ушбу тадбир маданий-маърифий, спорт ва ташкилий ишларни яхшилашга, меҳнаткашларни дам олдириш ҳамда соғломлаштиришга, шунингдек касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

— Бугунги кунда касаба уюшмалари иш берувчи ва бажарувчи ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини ўтаётгани кишини қувонтиради, — дейди «Шарқ» НМАК касаба уюшма қўмитаси раиси Ғуломжон Ҳакимов. — Ўтган йил ишчи-хизматчиларимиз тўлиқ иш кийимлари билан таъминланди, «Навбаҳор» санаторий-профилактерийси ва «Шарқ» оилавий пансионатида соғлиқларини тиклашди, фарзандлари эса болалар соғломлаштириш оромгоҳида мириқиб ҳордиқ чиқарди. Бир сўз билан айтганда, касаба уюшмамиз ишчи-хизматчиларнинг суянчиғига айланган. Ана шу омиллар танловда «Энг яхши касаба уюшма ташкилоти» деб топилишимизга сабаб бўлди.

Юртимизда ёшларнинг билимдон, жисмонан бақувват, ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб камол топиши учун кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунга Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳам ҳиссасини қўшмоқда.

Аъзолари ва жамоатчи талабалар ҳамда ўқувчиларни моддий рағбатлантириш, касаба уюшма фаолиятига жалб этиш борасидаги хайрли ишлар анъанага айланган.

Айниқса Баркамол авлод йилида беш нафар фаол талабага «Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг стипендианти» гувоҳномаси ва 15 нафар ўқувчига эсдалик совғалари топширилганлиги ёшларни янада руҳлантирди.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан бундай эътиборга сазовор бўлган ўқувчи-талабалар сони ҳозирга қадар 254 нафарни ташкил этади.

Шерзод АБДУСАМАДОВ

СУРАТДА: шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан ўтказилган тадбирдан лавҳа.

Козим Ўлмасов олган сурат

XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бугун «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгашида «Баркамол авлод тарбиясида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ушбу тадбир «Ўзбектелеком» АК, «UZINFOCOM» маркази, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлар ассоциацияси, Илмий-техник тадқиқот маркази, Республика ахборот-кутубхона маркази ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

● Жиззах вилояти хотин-қизлар қўмитаси, вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифий маркази ҳамкорлигида одам савдосининг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

● Бухорода Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ташаббуси билан «Баркамол авлод тарбияси: халқаро тажриба ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда вилоят ва туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, хотин-қизлар қўмиталари вакиллари иштирок этди.

● Андижондаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли вилоят мусиқали драма ва комедия театрида «Наврўз ялласи—2010» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Танлов якунига кўра, Булоқбоши тумани ижрочи ёшлари ғолиб деб топилди.

● Жиззах туманидаги «MILK FOODS» масъулияти чекланган жамияти қошида улкан чорвачилик мажмуаси фойдаланишга топширилди. Бунинг учун 2,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ сарфланиб, мажмуага сутни қайта ишлайдиган замонавий технологиялар ўрнатилди. Айни пайтда бу ерда Германиядан келтирилган 500 бош зотдор сигир боқилмоқда.

● Бувайда туманининг Оққўрғон қишлоғида болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Аҳмад Тож Ҳайдар» хусусий корхонаси иш бошлади. 100 киши меҳнат қилаётган ушбу корхона жамоаси қисқа муддатда 20 миллион сўмлик сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, савдо дўконларига етказиб берди.

ЖАҲОНДА

● ЮНЕСКО ташкилоти Гаитида юз берган кучли зилзила натижасида тарихий миллий меросга қанчалик зарар етказилганлигини аниқлаш мақсадида ушбу давлатга ўз экспертларини жўнатди.

● АҚШ Гаитидан ўз ҳарбийларини 3-6 ой давомида олиб чиқиб кетишини билдирди.

● Россия ва НАТО ҳарбий соҳадаги ҳамкорликни қайта тиклаш тўғрисидаги келишувга эришди.

● Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки Афғонистоннинг 1,6 миллиард долларлик қарзларидан кечилишини ташкил этдилар.

● АҚШда ҳар ўн йилда бир марта амалга ошириладиган аҳолини умумий рўйхатга олиш жараёни бошланди.

● Швециянинг Ericsson телекоммуникация корпорацияси ортиқча харажатларни тежаш мақсадида ходимлари сонини қисқартиришини маълум қилди. Унга кўра, яқин муддат ичида 6 минг нафар ишчи ўз вазифасидан озод этилади.

● Айни пайтда Ўрта Ер денгизида Эфиопия авиакомпаниясига тегишли «Боинг 737-800» самолёти ҳалокатининг сабаблари аниқланмоқда. Дастлабки тахминларга кўра фалокат самолёт учувчисининг диспетчерлик пункти топшириқларини бажармаганлиги туфайли келиб чиққан. Кеча денгиз тубидан самолётнинг «қора қутилари» топилди ва бу фожиа сабабларини аниқлашда муҳим омил бўлади.

● Хитой ҳукумати Интернет тизимида кибер ҳужумларга алоқадорликдаги айбловларни рад этди ва глобал тармоқда қонунга хилоф ҳаракатларга қарши курашда халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш лозимлигини таъкидлади.

● Японияниг «Тойота» компанияси ўзининг АҚШда ишлаб чиқарилган катта туркумдаги автомобилларини педал тизимида носозликлари борлиги аниқланганлиги учун қайтариб олишга қарор қилди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Давлат санъат институтида 2009 йил якуни бўйича санъатнинг турли йўналишида ўтказиладиган «TV арт» илмий-ижодий кўрик-танловнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур танлов ўн кун давом этади.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида таниқли рассом Иван Енин таваллудининг 80 йиллигига бағишланган кўргазма очилади.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Миллий университетига юксак мақом берилганлигига ўн йил тўлиши муносабати билан учрашув кечалари, давра суҳбати ўтказилади.

✓ **ЭРТАГА** «Тошкент иссиқлик қуввати маркази» АЖнинг анжуманлар марказида пойтахт иссиқлик қуввати маркази негизида янги лойиҳаларни амалга оширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтади.

СИНГАПУР ИШБИЛАРМОНЛАРИ БИЗНЕС-МИССИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистонга Сингапур ишбилармон доиралари делегацияси ташриф буюрди. Мазкур делегация таркибидан ушбу мамлакатнинг Ташқи иқтисодий фаолият бўйича «IE Singapore» давлат агентлиги вакиллари ҳамда Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларининг автомобиль бутловчи қисмлари ва электротехника ишлаб чиқаришга ихтисослашган етакчи компаниялари раҳбарлари ўрин олган.

Сингапур ишбилармонлари миссиясининг ташрифдан кўзлаган асосий мақсадларидан бири Ўзбекистон автомобиль ишлаб чиқариш бозори билан яқиндан танишиш ва бу соҳада ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятларини ўрганишдан иборат бўлди. Ташриф давомида делегация аъзолари қатор вазирлик ва идораларда музокаралар олиб бориб, Тошкент, Самарқанд, Андижон ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналарини кўздан кечиришди.

"RIM Polymers" компанияси вице-президенти Жинг Ои Хан Ўзбекистон автомобиль саноатининг жадал ривожланаётганини юқори баҳолади. Унинг сўзларига кўра, Андижон ва Самарқанддаги автомобиль заводлари замонавий жиҳозларга эга, сифат жиҳатдан эса, "Hyundai" ва "KIA" каби компанияларнинг технологияларига яқин.

"CFM Holdings" компанияси раиси Жанет Лимнинг таъкидлашича, Сингапур компаниялари учун Ўзбекистон нафақат сармоя киритишга, балки юқори технологияли ускуналар етказиб беришга истиқболли бозор саналади. Унинг айтишича, мазкур йўналиш Сингапур учун ҳам, Ўзбекистон учун ҳам манфаатлидир.

Сингапур саноат ва савдо вазирлиги қошидаги "IE Singapore" агентлиги вакили Жулия Ли агентликнинг Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятларига оид маълумотни Сингапурнинг бошқа бизнес соҳалари вакиллари орасида ҳам кенгроқ тарғиб этиш борасидаги режалари ҳақида маълум қилди.

— Автомобилсозлик Ўзбекистоннинг жадал суръатларда ривожланаётган саноатидир. Ўзбекистон ҳукуматининг самарали чора-тадбирлари туфайли маҳаллий автосаноат глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларидан ончалик талафот кўрмади. Ушбу факт бизнинг компаниямиз учун муҳим омил бўлди. Ўзаро ҳамкорликка муносабатимиз ниҳоятда ижобий бўлиб, Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ишонамиз.

Ўзбекистоннинг минтақада географик жиҳатдан қулай жойлашгани ҳамда унинг ривожланган саноати ва бой инсон салоҳияти бизнинг муваффақиятли иш бошлашимизга ишонч бағишлайди, — деди **"DJ Auto" компанияси бошқарувчиси Алвин По.**

Шу ўринда Сингапур ишбилармонлар делегациясининг мамлакатимизга ташрифидан олдин, 2009 йилнинг декабрь ойида Сингапурда Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатининг тараққиётига бағишланган бизнес-семинар ўтказилганини ҳам таъкидлаш жоиз. Анжуман давомида сингапурлик ишбилармонлар мамлакат автомобиль саноатининг ривожланиши, хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай сармоявий муҳит ва шарт-шароитлар билан батафсил таништирилган эди.

«Жаҳон» АА, Сингапур

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида «Диний бағрикенглик: огоҳликка даъват» мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

2010 йил — Баркамол авлод йили

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ УЧУН БАРЧА МАСЪУЛ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда таълим тизими мутасаддилари, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг профессор-ўқитувчилари, ўқув муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

Мазкур институт ректори Муҳаммаджон Алиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида эзгу анъана ва қадриятларимизни тиклаш, буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ундан ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш йўлида кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Мамлакатимизда эътиқод эркинлиги ҳамда диний бағрикенглик тамойиллари Конституциямиз ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган.

Ёш авлод камолоти ва истиқболи йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида ўқувчи-ёшларга пухта ва мукаммал билим бериш баробарида уларнинг маънавиятини юксалтириш, онги ва қалбида она Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, умрбоқий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини камол топтириш устувор вазифа ҳисобланади. Бугунги глобаллашув даврида ўқувчилар қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, уларни ўз мустақил фикрига эга, турли маънавий-мафкуравий тажовузларга қарши тура олишга қодир инсонлар этиб тарбиялаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Ёшларнинг маънавий-мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга йўналтирилган тадбирлар ёрдамида уларни миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружлардан асраш, бунда тарғибот, таълим-тарбия ишларининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини кучайтириш бугунги кун талабига айланди.

— Азалдан халқимиз фарзанд тарбиясига энг масъулиятли вазифа сифатида қараган, — дейди Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактаби директори Марҳабо Ғафурова. – Билим даргоҳимизда ўқувчи-ёшларнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, уларнинг тарбияси, маънавияти билан боғлиқ ишларни ташкил этишда маҳалла, оила, мактаб, турли жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Бу яхши натижа бераётир.

Тадбирда ёшларни миллатимиз учун ёт ва бегона бўлган турли ғаразли ғояларнинг зарарли таъсиридан асраб-авайлашга бағишланган фильм намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

Ижтимоий муҳофаза

КЕКСАЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Қариялар, жисмоний имконияти чекланган, ўзгалар парваришига муҳтож кишиларга кўмак бериш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш азалий қадриятимиздир.

Бу борадаги ҳукумат қарорлари эса жойлардаги ижтимоий таъминот бўлимлари ходимлари зиммасига ниҳоятда катта масъулият юклайди.

Бектемир туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

— Бугунги кунда ҳудудимизда истиқомат қилаётган ёлғиз кексалар, пенсионер ва жисмоний имконияти чекланган кишиларга ҳар ойда тўққиз хилдаги озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти кенг йўлга қўйилган, — дейди туман ижтимоий таъминот бўлими гуруҳ раҳбари Холида Юнусова. — Бу борада уларнинг хизматига икки нафар ходим бириктирилган. Мана шу ишларнинг самараси натижасида ўтган даврда салкам 18 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Шунингдек, бизга мурожаат қилган ёлғиз кекса пенсионер ва жисмоний имконияти чекланганларнинг асосий қисми диспансеризация қилинди. Бир қисми эса реабилитация техник воситалари билан таъминланди.

Бундан ташқари, 169 нафар муҳтож ногиронга сиҳатгоҳларда дам олиб соғлиқларини тиклаб олишлари учун йўлланмалар берилди. Бўлим қошида «Сахий қалблар» жамоат маркази ташкил этилган бўлиб, унга қарийб 19 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Эндиликда қарияларимизнинг яхши ҳордиқ чиқаришлари, шифокорларнинг зарур маслаҳатларини олишлари учун барча шарт-шароитлар яратишга эришилди. Жорий йилда мазкур саховатпешалик ишларини янада кенгайтириш мақсадида махсус дастур режаси амалга киритилди.

Ёқубжон ВАҲОБОВ
СУРАТДА: бўлим фаолиятидан лавҳа

Муқаддас динимиз исломда фарзандларнинг ҳуқуқлари ҳам ўз аксини топган бўлиб, бунда уларнинг ота-оналари ёки яқин қариндошлари, яшаётган жамиятларига вазифа қилиб юклатилган. Оила қурилар экан, ота-онанинг одобига, ахлоқига, инсонийлигига алоҳида эътибор берилади. Чунки улардаги хислат, фазилатлар ҳам, ёмон одатлар ҳам болага кўчиши исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир.

Соғлом она — соғлом бола

ФАРЗАНДЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ – БУРЧИМИЗ

Исломда фарзандларнинг ҳаққидан бири ва оналарнинг энг мўътабар вазифаси фарзандни она сути билан боқишдир. Янги туғилган гўдак жисми ва руҳининг ўсишида бундан афзал озуқа йўқ. Қуръони карим Бақара сурасининг 233-оятида Аллоҳ таоло «Ким эмизишни батамом қилишни ирода қилса, оналар фарзандларини тўлиқ икки йил эмизурлар», дейилган.

Фарзанднинг нафақаси, уларни озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой билан таъминлаш отанинг бурчидир. Ота-оналарнинг бурчи фарзандларини гўдаклигидан бошлаб ҳалол, покиза нарсаларни едириб, ичириш, боланинг саломатлигига зарар бўладиган нарсалардан муҳофаза қилишдир. Пайғамбаримиз (САВ) муборак ҳадисларида «Ота-она ўз фарзандига чиройли ҳусни, ҳулқ одобидан афзал нарсани мерос қилиб қолдирмайди», деганлар.

Ота-оналарнинг фарзанд олдидаги бурчларидан асосийси ахлоқ, одоб ўргатиш, илму маърифатли қилиш, касб-ҳунар ўргатишликда ҳомийлик қилишдир. Айниқса фарзандларимизнинг жисмоний ва маънавий соғлом, етук инсон бўлиб етишмоқлигида хоҳ ўғил, хоҳ қиз фарзандларимизга динимизда ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилган.

Пайғамбаримиз (САВ) муборак ҳадисларида «Фарзандларингизни денгизда сузишга, камондан ўқ отишга ва югуришга ўргатинглар», деганлар. Демак, ислом дини фарзандларимизни соғлом, бақувват, илмли, ҳунарли бўлишликка чорлаб, ота-оналарни эса бу хайрли ишларга масъул қилди.

Қуръони карим Такосур сурасининг 8-оятида Аллоҳ таоло: «Сизларга берилган неъматлардан албатта сўраласизлар», деб марҳамат қилди. Инсон учун неъматнинг шукронасини қилиб, ёш авлод — фарзандларимизнинг тарбияси, саломатлиги, маънавияти ва маърифати борасида кўп хайрли ишларни бажаришлик энг муҳим вазифадир. Бу хайрли, савобли ишда жипслашиб, бирдам бўлиб, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш, «Бола азиз — одоби ундан азиз» деган миллий ва диний қадриятларимизни тарғиб этиб, келгусида жамиятимизга соғлом, маънавий юксак, Ватанга ва халқига манфаат етказадиган комил инсон даражасидаги ёш авлодни тарбиялашимиз лозим.

Соғлом онадан соғлом бола туғилади, албатта. Ислом динида аёл ва қизларимизга ҳам алоҳида эътибор берилган. Опа-сингилларимиз, келинларимизнинг бугунги кундаги ва келгусидаги саломатликларига аҳамият беришлик давр талабларидандир. Аҳолининг репродуктив саломатлиги, она-бола саломатлигини муҳофаза қилишдек хайрли ишларда ҳаммаслаҳат бўлиб, аёл ва қизларимизнинг соғ-саломат бўлиб ҳаёт кечиришликларига эътиборли бўлишни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Мамлакатимизда соғлом оилани шакллантириш, аҳоли ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорлари ушбу вазифаларни амалга ошириш, йўналишларини белгилаб беришда муҳим омил бўлмоқда.

Одилжон АЛИМОВ, Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани бош имом хатиби

Алоқа

АХБОРОТ КУНИ

Таълим тизимини замонавийлаштиришга кўмаклашувчи Европа Иттифоқи дастурига амал қилина бошлаганига 20 йил бўлди. Ушбу нуфузли дастурда Ўзбекистон 1994 йилдан буён қатнашиб келмоқда.

Тошкент Ахборот технологиялари университетида уюштирилган «Ахборот куни» айнан шу санага бағишланди.

Ўтган даврда 72 та лойиҳа молиялаштирилди ҳамда талайгина сафарбарлик грантлари ажратилди.

Дастурнинг амалдаги босқичида эса республикамиз олий ўқув юртларининг учта лойиҳаси молиялаштириш учун танлаб олинди. Тошкент Ахборот технологиялари университети ҳам бундай кўмакдан баҳраманд бўлади.

ЯНГИ ЛОЙИҲА

Интернет тармоғида ишга туширилган янги лойиҳа «Киб.Уз» деб номланди. Бу ахборот-таҳлилий интернет-нашр аҳолига ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги долзарб ахборот ресурсларининг тўлиқ мажмуасидан фойдаланиш имконини беради.

Янги нашр ахборот-коммуникация технологиялари бозорига оид энг сўнгги янгиликларни тақдим этишга киришди.

Ушбу лойиҳа бўлимлари томонидан яна қатор қизиқарли маълумотлар тайёрланмоқда. Нашриёт бўлими эса оммабоп бюллетенни ҳам тайёрлайди. Бундай янгиликни амалга оширишга «Уникон.Уз» давлат унитар корхонаси ҳам ўз ҳиссасини қўшди.

ЭЛЕКТРОН МАНБА

Тошкент Ахборот технологиялари университетининг почта хизмати йўналиши талаблари бўйича босма ва электрон кўринишдаги нашрларга обуна қилиш манбаини яратиш устида изланишга қўл урилди. Электрон тарқатиш функцияларига эга бўлган бу жараённинг интерфейси ҳам ишлаб чиқилди.

Ушбу истиқболли тизимнинг дастурий таъминотини яратиш босқичига ҳам киришилди. Мазкур манба эса веб-сайт технологияси асосида юзага келганлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Таълим

ИНСТИТУТГА СЕРТИФИКАТ

Тошкент Темир йўл транспорти муҳандислари институти учун жорий йил муваффақиятли бошланди.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан тақдим этилган Давлат аккредитацияси ҳақидаги сертификат ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Мазкур гувоҳнома олий ўқув юртига беш йил муддатга ўндан ортиқ бакалавриат, 20 тага яқин магистратура йўналишида мутахассислар тайёрлаш ҳуқуқини ҳам кафолатлайди. Шунингдек, институтда кенг кўламли илмий изланишлар олиб бориш учун ҳам қулайликлар муҳайё қилинади.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Ўзбекистон Миллий университети Россиядаги қатор олий ўқув юртлари билан яқин алоқа боғлаган. Москва Давлат университети билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ҳам самарали бўлмоқда. Ҳар икки университет талабаёшлари билан уюштирилган мулоқот телекўприк кўринишида ташкил этилди.

«Тиллар ва дўстлар» мавзуда ўтказилган бу таълимий тадбир иқтидорли талабалар ижрочилик маҳорати намойишига ҳам айланди. Саҳналаштирилган томошада чет эллик ёшлар ҳам қатнашдилар.

НАМУНАЛИ МУАССАСА

Ҳамза туманидаги 141-мактабгача таълим муассасаси энг намунали тарбия ўчоғи деб топилди.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан уюштирилган танловда мазкур болалар боғчаси совринли биринчи ўринни қўлга киритди.

Тарбиячиларнинг бой иш тажрибаларини оммалаштириш тадбирлари ҳам кўрилди.

Акбар АЛИЕВ

Фармон ва ижро

ГЕПАТОЛОГИЯ ВА ИЛҒОР ТИББИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, сайёрамиз аҳолисининг учдан бир қисми жигар ва ўт йўллари хасталикларидан азият чекмоқда. Тиббий-ижтимоий ва экологик муҳитни барқарорлаштириш, соғлиқни сақлаш тизимида диагностика ва даволаш бўйича ягона стандартларни кенг жорий этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бу муаммо ечимининг муҳим йўлларидандир.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган гепатобилиар тизимлар патологиясини даволашнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий конференцияда ана шулар қайд этилди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Терапевтлар уюшмаси, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда «Pharmed sanoat» фармацевтика компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда умумий амалиёт ва юқумли касалликлар шифокорлари, гастроэнтерологлар, олимлар, ёш тадқиқотчилар ва маҳаллий фармацевтика корхоналари ишлаб чиқарувчилари иштирок этди.

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримовнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишларига оид Фармонида белгиланган вазифалар босқичма-босқич ижро этилаётгани тиббиёт масканларида диагностика ишлари кўламини кенгайтириш билан бир қаторда жаҳон тиббиётининг илғор усулларини чуқур ўзлаштириш, соғлиқни сақлаш соҳасининг турли йўналишларига доир илмий мактаблар фаолиятини изчил ривожлантиришда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Ҳозирги кунда тиббиётимизнинг турли йўналишлари, хусусан, гепатология соҳасида жаҳонда кенг қўлланилаётган даволашнинг далилий усуллари ва воситаларидан самарали фойдаланилмоқда. Бу диагностика ва даволаш ишларини ягона стандартлар асосида ташкил этиш, касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали даволашда ижобий натижа бераётир. Жигар ва ўт йўллари касалликларининг олдини олиш, даволашнинг илғор усулларини яратиш ва ҳаётга татбиқ этиш бўйича чуқур илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Илм-фан ютуқлари натижасида яратилаётган ва замонавий тиббиётга кириб келаётган янги шифо воситаларидан амалиётда кенг фойдаланилаётгани касалликларни самарали даволаш ва беморларни соғлом ҳаётга қайтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай шифобахш препаратлар мамлакатимиз корхоналари томонидан кенг ишлаб чиқарилаётгани ва даволашга татбиқ этилаётгани тиббий хизмат сифати ҳамда самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Жумладан, «Pharmed sanoat» фармацевтика компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган олтмиш турга яқин замонавий тиббий препаратлардан даволашда кенг фойдаланилмоқда. «Цинарикс» препарати бунга мисолдир. Олимларимиз ва мутахассисларнинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, табиий гиёҳлар асосида яратилган «Цинарикс» препарати инсон организми учун безарар ва шифобахшдир. Шу боис ундан жигар ва ўт йўллари хасталикларини даволашда самарали фойдаланилмоқда.

Анжуманда сурункали гепатитни даволашдаги янгича ёндашувлар, жигар ва ўт йўллари хасталикларининг олдини олиш, барвақт аниқлаш ҳамда даволашнинг замонавий технологиялари ва бу борада янги препаратларни қўллаш самаралари, жаҳон тиббиётининг ушбу йўналишдаги янгиликларига оид маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Келажакнинг эртасимиз — Ватанимиз эркасимиз!

БЕНИЛЮКС МАМЛАКАТЛАРИ ТУРИЗМ ЯРМАРКАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ТАҚДИМОТИ

Бельгиянинг Лювен ва Нидерландлар қироллигининг Утрехт шаҳарларида туризм ярмаркалари бўлиб ўтди ва уларда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти кенг намойиш этилди.

Лювен шаҳридаги ярмаркада Ўзбекистонга бағишланган стенд тадбир меҳмонларининг алоҳида эътиборини тортди. Ярмарка чоғида иштирокчиларга ўзбек халқининг бой тарихий, маданий ва меъморий мероси ҳамда мамлакатда турли соҳаларда эришилган ютуқлар, айниқса, Ўзбекистон ҳукумати томонидан туризм инфратузилмасини такомиллаштириш борасида қабул қилинган чора-тадбирлар ҳақида ҳикоя қилувчи фильм намойиш этилди.

Кўпчилик меҳмонлар Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари, амалий санъат намуналари ҳамда мамлакатнинг туризм соҳасидаги салоҳиятига хайрихоҳлик билдиришди.

Бельгиянинг **«Hobo Reisen» компанияси президенти А.Готц** кўргазмага келганлар ярмарка бўйлаб аниқ бир мақсадни кўзлашгани – келгуси сайёҳлик мавсумида ўзларининг ҳордиқ чиқаришлари учун жой излашларини таъкидлади. Унинг фикрича, ана шундай мамлакатлардан бири тарихий ёдгорликлар, қадимий ва ўзига хос маданиятлар ўлкаси, дунёнинг барча туристлари ва сайёҳларига ўзининг самимийлиги ва меҳмондўстлиги билан машҳур Ўзбекистон ҳисобланади. А.Готцнинг сўзларига кўра, шу йилнинг май ойида Ўзбекистонга боришни режалаштираётган бельгиялик сайёҳлар гуруҳи тўпланиб бўлган. Компаниянинг режаси бўйича эса 2010 йилнинг биринчи ярми давомида бир неча саёҳатчилар гуруҳларининг Ўзбекистонга боришлари ташкил этилади, бинобарин, ушбу мамлакатга боришни истовчи бельгиялик туристларнинг сони мунтазам ошиб бормоқда.

Ушбу компания вакили **Ф.Де Скривер**нинг фикрича, бельгиялик сайёҳларни биринчи галда Ўзбекистонда ажойиб меъморий ва тарихий ёдгорликларнинг кўплиги ҳамда ноёб миллий анъаналар ўзига жалб этади. У шунингдек, европалик туристлар меҳмонхона, транспорт хизматлари, овқатланиш, гидлар ва таржимонлар хизматлари даражасига катта эътибор қаратишларини қайд этди.

«Sitara International Ltd.» компанияси бош менежери Зиё ул-Ҳақ ушбу кўргазма иштирокчилари Буюк Ипак йўлида жойлашган давлатларга, айниқса, нафақат бой тарихий меросга эга, балки Марказий Осиёдаги энг барқарор ва тараққий этаётган мамлакат саналмиш Ўзбекистонга катта қизиқиш билдиришаётганини таъкидлади.

Утрехт шаҳридаги «Vacantiebeurs-2010» халқаро сайёҳлик ярмаркасида Ўзбекистонга сайёҳлик сафарларини «Djoser», «Dimsum Reisen», «Baobab Reisen», «Eurocult Lito Reisen», «Koningaap», «Sawadee Reisen», «Tiara Tours», «VNC Asia Travel», «Sunita Travel», «BCD Travel» каби Нидерландлар мамлакатининг йирик туризм компаниялари таклиф этишди.

Буюк Ипак йўлида жойлашган Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари Бенилюкс давлатларидан уюштириладиган саёҳатларнинг асосий объектлари ҳисобланади. **«Sunita Travel» компанияси директори Вил Ин Ирис** Ўзбекистонга бўлган қизиқишнинг ўсиши нафақат маданий ва тарихий мерос, қулай иқлим, балки мамлакат мустақил ривожланиш йилларида турмушнинг барча жабҳаларида улкан муваффақиятларга эришгани ҳисобига ҳам таъминланмоқда, дея қайд этди. Унинг фикрига кўра, глобаллашув ва туризм соҳасидаги рақобатнинг кучайиб бориши шароитида Ўзбекистон ўзининг бой сайёҳлик салоҳиятини муваффақият билан амалга ошириш ва минтақанинг сайёҳлар энг кўп келадиган мамлакатига айланишнинг уддасидан чиқмоқда.

"Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан бўлган суҳбат чоғида **«Dimsum Reisen» компанияси директори Вим Ван Гинкель** жумладан шундай деди: "Бизнинг компаниямиз ушбу мамлакат туристларига Ўзбекистонга эксклюзив сайёҳлик дастурини – бой тарих, бетакрор анъана ва урф-одатлар, кўпчилиги ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон меросларо рўйхатига киритилган ноёб меъморий ёдгорликларга эга ўлкани кўришни ҳамда мамлакат бўйлаб экотуризм учун қулай ва жозибали йўналишларни таклиф этмоқда".

«Tiara Tours» компанияси менежери Карин Квэк Вэлл сўнгги йилларда Нидерландлар мамлакатидан Ўзбекистонга боришни истовчи сайёҳлар сони муттасил ошиб бораётганини таъкидлади. Ҳозирги пайтда 2010 йилда ушбу мамлакатга боришни режалаштирган туристлар гуруҳлари шакланиб бўлган, кўргазма давомида ҳам одамлар Ўзбекистонга саёҳат уюштиришни ташкил этишимизни сўраб мурожаат қилишмоқда. К.Вэлл "бу бошланиши холос", ҳали сайёҳлар сони янада ошиб кетади, деди ишонч билан.

К.Вэллнинг сўзларига кўра, мамлакатда туризм инфратузилмасининг ривож топгани туфайли, Ўзбекистон афсонавий Буюк Ипак йўлида жойлашган энг яхши сайёҳлик марказларидан бири саналади.

«Жаҳон» АА,
Бельгия,
Нидерландлар

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази салкам 50 йиллик тарихга эга бўлиб, ушбу маърифат масканида сўнгги йилларда салкам 1000 дан зиёдроқ турли мавзулардаги китоблар босмадан чиқди.Бу ҳақда мазкур нашриётнинг бош директори Эркин Абдураҳмонов бизга қуйидагиларни маълум қилди.

— Нашриётимиз бугунги кунда маънавий-маърифий жараёнга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда, десак адашмаймиз. Жумладан, бадиияитнинг турли жанрлари: тарих, фалсафа, табобатга оид китоблар ва қўлланмалар мунтазам равишда чоп этилмоқда. Нашриёт режасида турли-туман рукнлар мавжуд. Улар сирасига «Заковат дурдоналари», «Жаҳон адабиёти хазинасидан», «Сатира ва юмор», «Янги замон эртаклари», «Болалар ва ўсмирлар адабиёти», «Нафосат оламе», «Ёш оналар мактаби», «Таомнома», «Рамзларда яширинган сир» ва «Олтин сандиқ» кабилар киради. Шунингдек «Жавоҳир» рукнидан Шарқ ва Ғарб адабиётининг энг сара асарлари ўрин олган. Жумладан, Машраб асарларининг аввалги нашрларида акс этмаган қадимги қўлёзмалардан топилган шоирнинг янги ғазаллари ва унинг беназир ашъорлари асосида тайёрланган «Машраб» девони китобот соҳасида ўзига хос воқеа бўлди. «Заковат дурдоналари» рукнида эса жаҳон мумтоз адабиётининг энг сара китобларини нашр этиш кўзда тутилган. Ундан Плутархнинг «Сайланма»си, Цицероннинг «Нотиқлик санъати ҳақида икки рисола»си ўрин олган. «Сайланма»га «Подшоҳлар ва саркардаларнинг ҳикматли сўзлари», «Келин-куёвларга насиҳатлар» киритилган. «Нотиқлик санъати ҳақида икки рисола»да эса нотиқлик санъатининг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил этиб чиқилган. «Жаҳон адабиёти дурдоналари» рукнида дунё адабиётининг мумтоз ва замонавий бадиий асарлари ўқувчиларга тақдим этиб келинмоқда. «Сатира ва юмор» рукнида чоп этилган «Ориқ девни миниб ёҳуд сехрли шпаргалка» пародия асари талабалар ҳаётининг ажабтовур воқеаларини қамраб олган. «Янги замон эртаклари»да Худойберди Тўхтабоев қаламига мансуб саргузаштларга бой замонабоп эртаклар тўпланган. Тўртта китобга бўлинган ушбу асар расмлар билан безатилган, эртакларнинг янгича талқини, жозибадорлиги китобхонларни сехрлайди. «Ҳозирги замон ўзбек насри» рукни остида даврамизнинг машҳур ва айни пайтда ёш истеъдод соҳиблари қаламига мансуб китоблар нашр этилмоқда. «Таомнома» рукнида ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, олижаноб фазилатлари, меҳмон кутишнинг одоб-қоидалари ёритилади. «Ўзбек дастурхони» номли китобда пархез таомлар таркиби ва тайёрлаш усуллари баён этилган. «Олтин сандиқ» рукнидан болажонлар учун ғилофга солиб тақдим этилган саккизта китобча ўрин олган ва уларга рангли тасвирлар ишланган. Ҳар бир рукннинг ўзига хос маълум маънодаги йўналишлари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси халқимиз маънавиятини юксалтиришга, онг ва тафаккурини шакллантиришга, шуурини янада теранлаштиришга, билим доирасини кенгайтиришга, асосийси эзгуликка, яхшиликка ошно этишга хизмат қилади. Нашриётимиз ходимлари ҳам «Навқирон авлод ва маънавият хизматида» шиорига оғишмай амал қилиб келмоқдалар.

Дарҳақиқат, «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази бугунги кунда ўзига хос мавқега эга бўлиб бормоқда. Чунки мазкур нашриёт чоп этаётган китоблар ўзининг сифати, бежиримлиги, нафосати ва дизайнининг хилма-хиллиги билан бошқа нашриётлардан тубдан фарқ қилади. Шунингдек, мазкур нашриёт ёшларнинг иқтидорини инобатга олган ҳолда уларга ҳомийлик асосида ҳам ёрдам бериб келаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Айни пайтда мактабгача бўлган болажонларнинг «Бекинмачоқ», ўқувчиларнинг севимли нашрига айланган «Синфдош» журналлари ҳам ушбу нашриётда босмага тайёрланиб, чоп этилмоқда. Инсонларга эзгулик ёғдусини таратишдек шарафли ишга бош-қош бўлаётган мазкур нашриёт чоп этаётган барча асарлар халқимизга бирдек манзур бўлаётганининг ўзи «Янги аср авлоди»нинг улкан салоҳият ва юқори нуфузга эга эканидан далолат беради.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази чоп этган китоблар туркуми

Матбаа

ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАР КИТОБЛАР



Тадбирлар

БАРКАМОЛЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, оила, жамият олдидаги бурч ва мажбуриятларига масъулият билан ёндашиш ҳиссини шакллантириш борасида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вазирлик ҳузурида тарғибот гуруҳи тузилиб, мазкур гуруҳ юртимиздаги таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, ўз фикрини тўлиқ ифода этишга ўргатиш, нутқ маданиятини ўстириш мақсадида турли тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири "Ҳуқуқий етуклик – баркамоллик гарови" мавзусида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 3-академик лицейида ҳам бўлиб ўтди.

Унда ёшларимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш йўлида ҳукуматимиз томонидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ўстириш, улар онгу шуурида ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат каби фазилатларни шакллантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири эканлигини қайд этишди. Шундагина Ватанимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир авлод вояга етади.

Очиқ мулоқот тарзида ўтказилган тадбирда вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини теран англаш, солиқ ва экология маданиятини янада юксалтиришга қаратилган маърузалар тингланди.

АДАБИЁТГА ЭЪТИБОР

Тошкент шаҳри Халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан Миробод туманидаги 110-мактабда "Адабиётга эътибор — келажакка, маънавиятга эътибор" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси-2009" кўрик-танлови ғолиблари, таълим тизими мутахассислари ва ота-оналар иштирок этди.

Йиғилишда она тили ва адабиёти ҳамда миллий истиқлол ғояси туркумига кирувчи фанлар тизимидаги янгиликлар, илғор педагогик технологияларни ўқув амалиётига кенг татбиқ этиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлодидан самарали фойдаланиш борасида тўхталиб ўтилди. Шунингдек, семинарда халқ таълими ходимларининг иқтисодий ва молиявий саводхонлигини ошириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш борасида ҳам фикр юритилди.

Семинарда Юртбошимизнинг "Адабиётга эътибор — келажакка, маънавиятга эътибор" номли рисоласининг мазмун-моҳиятини баркамол авлод онгига сингдириш, ўтилаётган адабиёти дарсларининг сифатини янада яхшилаш, очиқ дарсларга шоир ва ёзувчиларни жалб қилиб бориш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

— Семинар баҳона шўъба йиғилишлари доирасида она тили ва адабиёти ҳамда миллий истиқлол ғояси фанини бирлаштириб, янги интеракцион дарс ташкил қилдик, - дейди Миробод туманидаги 218-мактаб ўқитувчиси Нилуфар Мадраҳимова. — Янги турдаги бу дарсни "Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод эгаларини топиш асосий мақсадимиз" деб номладик. Очиқ дарсни ўтказишдан кўзлаган мақсадимиз адабиёт фанига қизиқтириш билан бирга юксак маънавиятли ва мустаҳкам иродали баркамол авлодни вояга етказишдан иборат. Эътиборлиси, бу йилги семинарларга ота-оналар ҳам таклиф этилди.

Тадбир сўнгида 2009-2010 ўқув йилида амалга оширилиши мўлжалланган ўқув-услубий ишлар, хусусан, она тили ва адабиёт фанлари бўйича услубий бирлашмалар фаолиятидаги ижодий изланишлар, келгусида амалга ошириладиган ишлар юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН ҲОРИМАЙДИ

Тошкент Давлат техника университетига қарашли компьютер технологиялари академик лицейида талаба-ёшлар билан ички ишлар ходимлари учрашуви ўтказилди.

Шаҳарча ҳокимияти, Собир Раҳимов тумани прокуратураси ва шаҳарча ички ишлар бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, Конституция ва қонунларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг эркин фикрлаш қобилиятини ошириш хусусида олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди.

—"Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳудудидаги таълим муассасаларида 45 мингга яқин талаба ва ўқувчилар таҳсил олади, —дейди ҳокимият ходими Фарҳод Икромов. — 28 мингдан зиёди республикамизнинг турли ҳудудларидан келган ёшларнинг 10 мингдан ортиғи 14 та таълим муассасаларига қарашли 38 та талабалар турар жойларида истиқомат қилади. Уларнинг ўқиши, амалиёт билан билимларини мустаҳкамлаши, турли ҳунар тўгаракларига аъзо бўлиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишлари учун ҳокимият томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса ёшлар ўртасида ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий саводхонликни юксалтиришга оид кенг қамровли тадбирлар ўтказилаяпти.

Шунингдек, учрашув доирасида "Баркамол авлод" йили давомида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, сиёсий саводхонлигини мустаҳкамлаш, жиноий ишларнинг олдини олиш борасида ўқув даргоҳларида тадбирларни мунтазам ўтказиб турилишига келишилди.

Талаба-ёшлар соҳага оид ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

"Туркистон-пресс"

Британиялик туроператорлар ва журналистлар гуруҳи танишув ташрифи билан мамлакатимизда бўлишди. «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Ўзбекистон Республикасининг Лондондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этган ушбу сафарда Британиянинг етакчи туристик компаниялари раҳбарлари ва ходимлари, Тошкентдаги Британия кенгаши, «Diplomat» журнали ва Лондоннинг «Russian Media House» нашри вакиллари иштирок этишди.

ТУМАНЛИ АЛЬБИОНДАН ҚУЁШЛИ ЎЗБЕКИСТОНГА

Британия гуруҳи Тошкентда бўлиб ўтган "Ипак йўли" бўйлаб туризм" XV Халқаро сайёҳлик ярмаркасида иштирок этиб, ҳамкорлик қилиш имкониятларини муҳокама қилиш мақсадида "Ўзбектуризм" миллий компанияси ва бир қатор хусусий туристик компаниялар вакиллари билан учрашувлар ўтказди. Сафар дастурига гуруҳ аъзоларининг Ўзбекистоннинг тарихий-маданий мероси, оламшумул аҳамиятга эга бўлган диққатга сазовор жойлари ва ноёб табиати билан танишиши учун Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига бориш ҳам киритилган эди.

Британиялик туроператорларнинг фикрларига кўра, ушбу сафар уларга Ўзбекистонни янгитдан кашф этиш ва 2010 йилда мамлакатимизга Буюк Британиядан келадиган сайёҳлар миқдорини ошириш мақсадида маҳаллий ҳамкорлар билан алоқаларни кенгайтириш имкониятини берди.

«Tucan Travel» сайёҳлик компанияси вакили Иен Шилс қайд этадики, "Ипак йўли"нинг кўплаб хазиналари жойлашган Ўзбекистондек гўзал мамлакатда вақтимни жуда ажойиб ўтказдим. Ўзбекистонликлар дунёдаги ҳамиша қувонч ва табассум улашадиган энг самимий инсонлар қаторида туришади. Ноёб тарихий обидалар билан бирга меҳмонларга бўлган бундай муносабат дунёда Ўзбекистоннинг ижобий нуфузини оширишга ва сайёҳларни жалб қилишга хизмат қилади".

И.Шилс бунақаси дунё мамлакатлари бўйлаб кўплаб сафарларида ҳали учрамаган ёрқин кўк-яшил бўёқлар уйғунлигида безатилган масжидларнинг гўзаллигини алоҳида завқ билан таъкидлайди. Уни шунингдек Самарқанддаги Регистон майдонининг кўриниши, эски шаҳар ҳамда сопол буюмларнинг қандай ясалиши ва уларни қадимий усулда безак солишини кўриш мумкин бўлган Бухородаги ҳунармандлар кўчаси лол этди. "Мен барчага албатта Ўзбекистонга келишларини маслаҳат берган бўлардим", дея таъкидлайди у.

«Travelsphere» вакили Клэр Слейтер хоним «Дастур жуда моҳирона тайёрланган ва йўналишлар ўта қулай танланган: биз асосий диққатга сазовор жойларга бордик ва Тошкент, Самарқанд ва Бухоронинг гўзаллигини томоша қилдик», дейди. У шунингдек, меҳмонхоналарнинг хизмат кўрсатиши ва ташкилотчилар томонидан намойиш этилган меҳмондўстликнинг юқори эканлигини, яъни, "гуруҳ аъзолари ўзларини азиз ва ардоқли меҳмондек ҳис этишди", дея таъкидлади. Унда шунингдек, Тошкентдан Самарқандга тезюрар поездда боришгани, «Лондон андеграунди»дан ўз афзаллиги билан ажралиб турадиган пойтахт метросининг чиройли ва озодалиги катта таассурот қолдирди. Унинг сўзларига кўра, ушбу гуруҳнинг Тошкент халқаро туристик ярмаркасига келиши жуда самарали бўлди, яъни, фойдали муносабатларни ўрнатиш ҳамда янги сайёҳлик йўналишлари ва хизматлари бўйича фикр алмашиш имкониятини берди.

— Ушбу сафарга қадар мен Ўзбекистон ҳақида жуда кам билардим, энди эса ўз мижозларимга таътилларини сизнинг маданий-тарихий қадамжоларга бой бўлган гўзал мамлакатингизда ўтказишларини ишонч билан тавсия эта оламан. Биз Ўзбекистонга жўнатган сайёҳлар жуда яхши таассуротлар билан қайтишди. Шунинг учун ҳам, янги сайёҳлик мавсумида компаниямиз Ўзбекистонга саёҳат миқдорини оширишни мўлжалламоқда, — дейди К.Слейтер.

«Diplomat» журнали нашири Хьюго Ван Куффелер ушбу сафарни «мафтункор, маълумотларга бой ва фавқулодда фойдали», дея таърифлади. Унинг фикрича, қисқа вақт бўлганига қарамай, у кўплаб диққатга сазовор жойларни кўриш ва Ўзбекистон билан танишганидан қониқиш ҳосил қилишга улгурди. У ранг-барангликка бой маданият, Самарқанднинг гўзал масжидлари ва бошқа тарихий обидалари унда катта таассурот қолдирганини айтди.

«Russian Media House» нашри мухбири Надежда Рагожина хусусан қуйидаги дил изҳорлари билан ўртоқлашди: «Ўзбекистонга қилинган сафардан ҳақиқий завқ олдим. Сафар жуда яхши ташкил этилган ва юқори даражада ўтказилди. Мен Самарқанд ва Бухорога борганимизда ушбу жойларнинг гўзаллигидан, одамларнинг самимийлиги, ўзбек таомларининг мазалилиги ҳамда Осиёнинг ўзига хос хусусиятлари ва Европанинг замонавий ранг-баранг ҳаётининг уйғунлигидан лол қолдим». У ўзбекистонлик туроператорларни «самарали ва маълумотларга бой» дея баҳолаб, Британия гуруҳи уларнинг туризм саноатидаги истиқболларини катта ҳавас билан эътироф этишини таъкидлади.

«Жаҳон» АА, Лондон

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадиий академияси ҳақиқий аъзоларининг VI анъанавий ҳисобот кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазмалар

НАФОСАТГА ЙЎҒРИЛГАН ИЖОД

Айтиш жоизки, 1997 йили Бадиий академия ташкил этилгандан буён унинг ҳақиқий аъзолигига таниқли рассомлар Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Бахтиёр Бобоев, Рафаэль Тоқтош, Рўзи Чориев, Николай Шин, Жоллибой Изентаев, Саидаҳмад Маҳмудов, Маҳмуд Усмонов, Неъмат Қўзибоев, Қутлуғ Башаров, Малик Набиев каби энг моҳир халқ рассомлари ва Ўзбекистон халқ санъатининг усталари қабул қилинган. Мазкур кўргазмага 30га яқин академикнинг 100 дан ортиқ асарлари қўйилган бўлиб, уларда услублар ранг-баранглиги, академик реализм, авангард, постмодернизм каби йўналишлар, ижод эркинлиги ҳамда рассомларимизнинг турли изланишлари яққол кўзга ташланади. Кўргазмага шунингдек, қатор рассомлар — Саъдулла Абдуллаев, Леким Ибрагимов, Акмал Иқромжонов, Акмал Нур, Жавлон Умарбеков ва бошқалар ўзларининг янги асарларини тақдим этишган. Уларнинг ижодида юксак маҳорат ва миллий рангтасвир анъаналарига содиқлик кузатилади. Жумладан, Владимир Бурмакин ўзининг янги «Компьюфо» санъатидаги ютуқлари билан ўртоқлашса, Алишер Мирзаев, Марат Содиқов, Отахон Аллаберганов, Ниёзали Холматов, Шомаҳмуд Муҳаммаджоновлар оригинал графика-пастел, сувбўёқ, миниатюрадаги янги композицияларини намойиш қилмоқдалар. Шунингдек, вернисажда амалий санъат буюмлари ҳам санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилган. Ортиқ Файзуллаевнинг ёғоч ўймакорлигида нафис ва нозик бажарган ишлари ҳамда Тошкент, Риштон, Ғиждувон, Самарқанд анъанавий кулолчилик мактаблари намуналари Акбар Раҳимов, Шарофиддин Юсупов, Алишер Назруллаев, Худойберди Ҳақбердиевлар ижоди томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Турсунали Қўзиев эса фотография йўналишидаги ишлари билан қатнашмоқда.

Шуни таъкидлаш ўринлики, Бадиий академиянинг ижодий фаолияти серқирра бўлиб, рассомлар доимий изланишлар билан янги-янги ижод намуналарини яратишмоқда.

Кўргазма олдидан Бадиий академиянинг ҳақиқий аъзолари учун тантанали кенгаш ташкил этилди. Ушбу кенгашда Ўзбекистон Тасвирий санъати антологияси китобининг тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: «Ватан меҳри билан йўғрилган ижод» мавзуидаги кўргазмадан лавҳалар.

Владимир Гранкин олган суратлар

«01»

ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИНИ КУЧАЙТИРИНГ

Қишки мавсумда об-ҳавонинг совиб кетиши, аҳолига табиий газ ва электр энергияси етказиб берилишида баъзан узилишларнинг юзага келиши фуқароларнинг хавфсизлик талабларига мутлақо жавоб бермайдиган газ ҳамда электр иситиш анжомларидан фойдаланишларига олиб келади.

Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ ва унинг қуйи тизим хизмати ходимлари томонидан ишлаб чиқилган режа асосида газлаштириш ҳамда электр тармоқлари идоралари мутахассислари, ички ишлар идораларининг профилактика хизмати ва ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирокида иситиш мавсуми даврида аҳоли хонадонларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, носоз ва қўлбола иситиш анжомларидан фойдаланишларига йўл қўймаслик, хонадонларда содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларда инсонларнинг қуйиб тан жароҳати олишлари ва ҳалок бўлиш ҳолатларининг олдини олиш борасида профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.

Биз сизлардан қуйидаги хавфсизлик қоидаларига риоя этишингизни сўраймиз. Иситиш печи ва ўчоқларини ўт олдириш учун бензин, керосин, солярка каби тез аланга олувчи суюқликлардан фойдаланманг. Айниқса уй бекаларининг газ плитаси ва иситиш печлари устида кир қуритишлари жиддий талафотларга олиб келиши мумкин. Газни резина шланг орқали улаб ишлатиш натижасида ўз хонадонингиз ва оила аъзоларингиз ҳаётини хавф остига қўйган бўласиз. Том ва чордоқларда хашак ва тез ёнувчи нарсаларни сақламаслик керак.

Кўриб турганингиздек, бу қоидалар мураккаб эмас. Уларга амал қилиш орқали хонадонимиз, жиҳозларимиз, энг муҳими, уйимиз бутлиги ҳамда оила аъзоларимизнинг соғлиғини ёнғин офатидан сақлаб қолишимиз мумкин. Давом этаётган қиш мавсумида газ ва иситиш печлари созлигини яна бир бор назорат қилиб, ҳушёрлик ва эҳтиёт чораларини янада кучайтирайлик!

Т.УРМАНОВ,
ИИББ ЁХБ 12-ХЁХО инспектори, катта лейтенант

«02» ХАБАРЛАРИ

● Шайхонтоҳур туманида яшовчи Умида исмли аёл ва унинг қизи Тамилалар ўзаро жиноий тил бириктириб, Юнусобод туманида яшовчи Жавлонга нисбатан зўрлик ишлатиб, бўйнидаги 1.600.000 сўмлик 2 дона тилла занжирлари, 1 дона кулони ва 1 дона 80.000 сўмлик «Самсунг» русумли уяли телефон аппаратини тортиб олиб, воқеа жойидан яширинганлар. Натижада жабрланувчи Жавлон олган тан жароҳати билан касалхонага мурожаат қилган.

Ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 166-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.

● Сергели тумани ҳудудида, Зангиота туманида яшовчи Жамшид, Ғани, Исмоил ва Сергели туманида яшовчи Владимирлар олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, корхоналардан бирининг омборхонасига ишчиларнинг кийим ечиш хонаси орқали киришиб, у ерда сақланаётган ҳаммаси бўлиб умумий нархи 37.800.000 сўмлик 13.500 килограмм 270 донани ташкил қилувчи металл сим ўрамларини ўғирлаб, «Матиз» ҳамда «Москвич» русумли автомашиналарига ортиб, воқеа жойидан яширинишган. Жиноят қидирув тезкор ходимларининг олиб борган қидирув ишлари натижасида юқорида номлари келтирилган гумонланувчи шахслар далилий ашёлар билан қўлга олиндилар.

Ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.

● С.Раҳимов тумани ҳудудида Қорақамиш даҳасида яшовчи, ҳеч қаерда ўқимай ва ишламайдиган Евгений, ўрта мактаб ўқитувчилари Николай ва Артурлар олдиндан жиноий тил бириктириб, эркин йўл билан, яъни вақтинча очиқ қолдирилган эшик орқали Қорақамиш даҳасида яшовчи фуқаро Виолеттанинг уйига кириб, унга тегишли бўлган 1 жуфт тилла зирак, 2 дона тилла занжир кулони билан, кумуш қошиқ йиғиндиси, компьютер дискаводи, эркаклар қўл соати ва 300 АҚШ долларини ўғирлаб, воқеа жойидан яширинишган. Олиб борилган тезкор қидирув ишлари натижасида ушбу гумонланувчи шахслар, далилий ашёлар билан қўлга олиндилар.

Ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.

Юлдуз АШИРОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ ИХҲҚ ва ЮТ бўлими Матбуот маркази катта инспектори, майор

Ўз-ўз ўрганиб дono бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҚОНУНИ БОСИТИЙ

Тўртинчи машраб (фасл) совуқ сув, илиқ сув ва иссиқ сувлар ҳукми баёнида

Огоҳлантириш. Қони кўп кишининг совуқ сувга чидаши ва ундан зарар кўрмаслиги унинг ҳароратидан экани аниқ. Демак, бу тақдирда сафро мизожли кишилар қон мизожли кишилардан ҳам чидамли бўлишлари керак бўлади, чунки сафронинг ҳарорати қоннинг ҳароратидан кучли ва кўп, деб гумонга берилмасин. Чунки сафро мизожли кишилар кўпинча озғин ва гўштлари кам бўлади. Шу сабабли шиддатли совуққа чидаёлмайдилар. Аммо қон мизожли кишининг бадани сергўшт бўлади, аъзоси қалин гўшт билан ўралгани учун совуқ сувнинг зарари унга таъсир қилолмайди ва асл аъзога етилмайди.

Демак, маълум бўлдики, мўътадил мизожлилар учун мўътадил совуқ сув муносибдир. Иссиқ мизожлилар учун ўта шиддатли бўлмаган совуқ сув муносибдир, ўта даражадаги совуқ сув уларга ҳам мумкин эмас. Демак, ўз-ўзидан исбот бўлдики, совуқ мизожли кишиларга совуқлиги мўътадилликдан камроқ бўлган сув муносибдир, бундан ортиқ совуғи зарарлидир. Фақат иссиқ ҳаво ёки ташқи бир сабаб билан зўр ҳожат юз берган вақт истиснодир.

Фойда. Билмоқ керакки, совуқ сувни мўътадил, шиддатли ва шиддатсизга ажратишнинг сабаби аёндирки, албатта, совуқликда даража ҳар хил бўлади ва унинг ҳар бир даражаси бир мизожга мос бўлади. Бироқ мўътадил дейишдан мурод нима, ўртачадан мурод нима, шиддатли дейишдан мурод нима экани кўпчиликка махфий ва кўпгина китобларда баёни йўқ. Бинобарин, шу жойда таъйин этиш лозимки, ёзишдан мурод омманинг фойдаси учун мақсадни баён этишдир.

Аёндирки, баданга сув тегса ундан бир ҳолат баданга сезилади ёки сезилмайди. Агар баданга ҳеч бир ҳолат ва кайфият сезилмаса бу даража иссиқ ва совуқнинг ўртасидадир ва мўътадили ҳақиқий ва ўртачадирки, бу даражани араб тилида **фотир,** туркийда **эмуқ** дейилади.

Агар баданга бир ҳолат ва кайфият сезилса, бу икки эҳтимолдан холи бўлмайдики, бу кайфият албатта, ё иссиқ бўлади ёки совуқ бўлади. Бу кайфиятларнинг бошланғич даражаси сезилиши мумкин бўлган даражадир. Охири эса иссиқдан қайнаш ва совуқдан музлаш бўлади. Ҳар бир кайфиятнинг бошланишидан то охиригача бир қанча даражалар бор. Демак, бу жойда мўътадил совуқ, шиддатли совуқ ва ўртача совуқдан мурод уларнинг қайси даражада совуқ эканига мисол келтириш билан баён қилиш лозим.

Мўътадил иқлимда саратон вақтида кундуз куни усти очиқ ариқда оқиб турган сувнинг даражасини ўртача дейдилар ёки қалил ул-бард (совуғи қам) ҳам дейдилар, совуқ мизожлиларга муносиб даража шудир. Бошқа фасларда қайноқ сув қўшиш ёки оловга қўйиш билан шу даражага келтириш керак бўлади.

Мўътадил иқлимда савр ойининг охирги ярмида ёки мезон ойида кундуз куни усти очиқ ариқда оқиб турган сувнинг даражаси мўътадилдир, бироқ ҳаво очиқ бўлиши керак. Бу сув мўътадил мизожлилар учун муносибдир.

Мўътадил иқлимда далв ойида муз остидаги сув шиддатли совуқ бўлиб, ҳеч қандай одамга муносиб эмас. Бундан даражаси камроқ бўлган сув иссиқ мизожлилар учун муносибдир.

Бу баёндан маълум бўладики, соғлом одамларнинг ҳар биттасида, гарчи совуқ мизожли бўлса ҳам, совуқ сув ичиш учун ҳожат борлиги муқаррардир. Аммо мизожга муносиб даражада совуқ бўлиши мизож даражасига боғлиқдир.

Совуқ сувга ҳожат борлигининг сабаби шуки, ҳақиқий ташналик то совуқ сув бўлмаса бошқа нарса билан босилмайди. Совуқнинг таъсири билан аъзонинг барча қисми ором олади, сув меъдага қувват беради, дилга роҳат етказади. Буғларнинг мия томон кўтарилиши, балки ҳосил бўлмаслигига тўсқинлик қилади. Баданда хўлликни зиёда қилади. Шунинг учундирки, совуқ сув ичишни тавсия ва тарғиби учун ҳадиси шарифда: "алайкум бил-моил-боити", яъни кечасида олинган совуқ сувдан ичишни ўзингизга лозим тутинг, дейилиши ҳам, совуқ сувга ҳожат борлигига далилдир. Чунки кечасининг суви албатта, кундузнинг сувига нисбатан совуқроқ бўлади.

Юқорида маълум бўладики, шиддатли совуқ сувни ичиш ҳар қандай мизожли одам учун ёмон ва зарардир. Демак, шундай сувдан ичиш бирорта одамга бирорта сабаб билан зарур бўлса, аввало таом истеъмол қилиб, сўнг мазкур сувдан камроқ ичиш лозим, токи сувнинг ўта совуқлиги меъдада турган иссиқ таомга қўшилиш билан совуқлигининг шиддати синсин, таомга аралашуви билан меъдада мағлублиги сабабли меъдадан бошқа аъзоларга тезда ўта олмасин. Шундай қилиб, совуқ сувнинг ҳақиқати фойдалари ва зараралари маълум бўлди. Энди эса фотир, яъни илиқ ва иссиқ сувларни баён этамиз.

Билмоқ керакки, қайноқ сув ва илиқ сувларни истеъмол қилиш жоиз эмас. Фақат, даво учун қусиш лозим бўлса қустирувчи дорини илиқ сув билан ичиш лозим. Чунки илиқ сувда ҳам қустирувчи хислат бўлиб, у дорининг таъсир қилишига ёрдам беради. Меъдани чайиб, ични юргизиш мақсади бўлса қайноқ сув ичиш муносиб, токи меъдада шўр ё ёпишқоқ балғамни ўз иссиғи билан эритиб, ўзининг юмшатувчи ва бўшаштирувчи феъли билан меъданинг тутиб турувчи қувватини заифлаштиради. Меъдадаги хилтларни ва овқат чиқитларини эритиб, ювиб юборади. Бинобарин, баъзи сурги ҳаб дорилари ва талқон дориларини қайноқ сув билан ичиш тайин қилинганки, қайноқ сув бу дориларга кўмак беради.

Шунингдек, қайноқ сув ёлғон чанқашни қолдиради. Чунки ёлғон чанқашга сабаб бўлган шўр ва ёпишқоқ балғамни эритиб, меъдани ундан тозалайди. Шунга қарамай, ундан кўп ичиш сазовор эмас. Чунки қайноқ сувни кўп ичиш меъдани суст қилади. Аммо қайноқ сувнинг совигани баданга кам таъсир қилади. Хусусан, иссиқ мизожли кишиларга муносиб эмас. Унинг бошқа ҳукмлари "Еб-ичиш баҳси" да муфассал айтиб ўтилган.

(Давоми бор)

Маҳмуд ҲАСАНИЙ тайёрлаган

Хусусий тадбиркор «Убайдуллаев О.У.» га тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4215 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

123 5

Буюртма Г- 07

Топширилган вақти: 15.10